

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ТИЛЛАЕВА УМИДА МАХМУДЖОНОВНА

**ФЕНИЛГЛИОКСИЛ КИСЛОТА ХОСИЛАЛАРИНИНГ
КОМБИНИРЛАНГАН ТАЪСИРЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ
СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА СТАНДАРТЛАШТИРИШНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШДА МЕТОДОЛОГИК ЁНДОШУВ**

15.00.02- фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2021

Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Тиллаева Умида Махмуджановна

Фенилглиоксил кислота хосилаларининг комбинирланган таъсирли дори воситаларининг сифатини назорат қилиш ва стандартлаштиришни ишлаб чиқишда методологик ёндошув 3

Тиллаева Умида Махмуджановна

Методологический подход к разработке контроля качества и стандартизация лекарственных средств комбинированного действия производных фенилглиоксиловой кислоты..... 29

Tillaeva Umida Maxmudjanovna

Methodological approach to the development of quality control and standardization of drugs with combined action containing phenylglyoxylic acid derivatives..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ТИЛЛАЕВА УМИДА МАХМУДЖОНОВНА

**ФЕНИЛГЛИОКСИЛ КИСЛОТА ХОСИЛАЛАРИНИНГ
КОМБИНИРЛАНГАН ТАЪСИРЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ
СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА СТАНДАРТЛАШТИРИШНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШДА МЕТОДОЛОГИК ЁНДОШУВ**

15.00.02- фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент -2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** хузуридаги **Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/Far.29** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Ризаев Камал Саидакбарович**
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Урманова Флора Фаридовна**
фармацевтика фанлар доктори, профессор

Тўлаганов Абдуқодир Абдурахмонович
фармацевтика фанлар доктори, профессор

Сунг-О Ха
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Жанубий Қозоғистон тиббиет академияси**

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «3» декабр соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: info@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (25 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2021 йил «14» ноябр кuni тарқатилди.
(2021 йил «14» ноябр даги 25 рақамли реестр баённомаси).



А.Ф.Дусматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ранси Ури.босари, фарм.ф.д.

Ё.С.Кариева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар ранси,
фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотлари кўра ностероид яллиғланишга қарши воситалар (НЯҚВ) қўлланилиш даражаси бўйича антибиотиклардан кейин 2 ўринни эгаллайди: дунё аҳолисининг тахминан 20-30% ушбу гуруҳ препаратларини доимий равишда қабул қиладилар. Шунинг учун минимал ножўя таъсирга эга бўлган узоқ муддатли таъсир қилувчи янги авлод юқори самарали дори воситаларини ишлаб чиқиш, мукаммал комбинацияларни тавсия этиш, уларни стандартлаш, сифатини баҳолаш, фармакотерапевтик фаоллигини исботлаш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда кимёвий синтез йўли билан олинган ностероид яллиғланишга қарши препаратларни самарали дори шакллари ишлаб чиқиш, сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, ядро-магнитли резонанс усулини қўллаган ҳолда дори моддасининг структурасини аниқлаш, терапевтик фаоллигини ошириш мақсадида комбинирланган дори воситаларини яратиш, стандартлашнинг янги физик-кимёвий усулларини ишлаб чиқиш, ушбу усулларнинг валидациясини амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда аҳолига кафолатланган ва сифатли тиббий ёрдамни кўрсатиш, турли терапевтик гуруҳларга мансуб оригинал дори воситалар ассортиментини кенгайтириш, уларни ҳалқаро талабларга мос эканлигини исботлаш бўйича муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, аҳоли ва даволаш профилактика муассасаларини арзон, самарали ҳамда сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш...»¹ бўйича долзарб масалалар белгилаб берилган. Бу борада, ностероид яллиғланишга қарши таъсирга эга янги фаол субстанцияларни яратиш мақсадида юқори реакцион қобилиятга эга бирикмаларни излаш, уларни кимёвий тузилишини аниқлаш, сифат меъёрларини ҳалқаро талабларга мувофиқ белгилаш ҳамда стандартлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарига жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ–3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 27 мартдаги ПҚ-4662-сон «Аҳолининг дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника ва энг зарур товарларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ–5707-сон «2019-2021 йилларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

республиканинг фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларнинг шарҳи². Мажмуавий дори воситаларини ишлаб чиқиш, уларни стандартлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, Institute of Pharmaceutical Science (Хиндистон), Cyberjaya University College of Medical Sciences (Малайзия), University of Alberta (Канада), Helwan University (Миср), Riga Stradins University (Латвия), University of Szeged (Венгрия), Yonsei University (Жанубий Корея), University of Groningen (Голландия), Kingston University (Буюк Британия), Dublin Institute of Technology (Ирландия), University of Saskatchewan (Канада), Fanshawe College (Канада), National University of Singapore (Сингапур), University of Auckland (Янги Зеландия), Griffith University (Австралия), Пятигорск Давлат фармацевтик академияси, Самара Давлат тиббиёт институтида (Россия Федерацияси) олиб борилмоқда.

Яллиғланишга қарши препаратларни яратиш, уларни турли комбинацияларни ишлаб чиқиш, сифат меъёрларини белгилаш ва стандартлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: ностероид яллиғланишга қарши юмшоқ дори турларини яратишда илмий асосланган асосни тавсия этиш, сифат назоратини амалга ошириш, фаол моддалар ва асосни мутаносиблигини белгилаш (Institute of Pharmaceutical Science, Хиндистон); пироксикам шамчаларининг таркиби таклиф этилган ҳамда уларнинг сифат меъёрлари белгиланган (Cyberjaya University College of Medical Sciences, Малайзия); кам ульцерогенликка эга ностероид дориолди воситалари синтезланган (University of Alberta, Канада); яллиғланишга қарши таъсирга эга дори моддалар микросфераларидан ректал қўллашга мўлжалланган юмшоқ дори шакллари ишлаб чиқилган (Helwan University, Миср); ностероид яллиғланишга қарши воситалар ҳамда бошқа фармакотерапевтик таъсирга эга моддалар билан композициялар тузилиб, уларнинг ўзаро таъсири ўзгарган (Riga Stradins University, Латвия); НЯҚВнинг нанозаррачаларидан ринологик дори препаратлари яратилган (University of Szeged, Венгрия); хроматографик усуллар яллиғланишга қарши

² Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.medline.ru, www.elibrary.ru, www.medlit.ru, www.rmj.ru, mntk.ru, www.retinajournal.com, www.djo.harvard.edu, webofscience.com, www.pubmed.com, www.elsevier.com, www.pediatrics.org, www.oxfordjournals.org ва бошқа манбалар асосида шакллантирилган

препаратлар таҳлилида қўлланилган (Пятигорск Давлат фармацевтик академияси, Россия Федерацияси); бу гуруҳ дори воситаларни таҳлилида қўлланиладиган аналитик усуллар валидацияланган (Самара Давлат тиббиёт институти, Россия Федерацияси).

Дунёда мажмуавий дори воситаларни ишлаб чиқиш, сифат назорати ва стандартлаш усулларини яратиш бўйича қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: яллиғланишга қарши воситаларнинг мақсадли синтезини амалга оширишда истиқболли кимёвий бирикмаларнинг янги синфларини, айниқса α -кетокислоталарни ишлаб чиқиш, аналитик усулларни валидация қилиш, замонавий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан яққол фармакологик фаолликка эга бўлган янги мажмуавий дори воситаларини турли шаклларда ишлаб чиқиш, сифат ва миқдорий таҳлил усуллари яратиш, ушбу усулларни валидациялаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилган.

Дунё миқёсида олиб борилаётган ностероид яллиғланишга қарши субстанцияларни синтез қилиш, молекулаларнинг кимёвий тузилишини аниқлаш, улардан дори препаратларни яратиш бўйича В. VanOvermeire, I. Pollens, I. S. Hartman, A. H. Buzstein, K. M. Fisher, M. L. McPherson, C. A. Roby, H. C. Ansel, N. G. Popovich, L. V. Allen, S. Berko, D. M. Biyani, P. Ranjan, A. Chandzeshkhar, S. S. Dalvi, K. C. Gupta, S. M. Pohujani, S. Janicki, M. Sznitowska, W. Zebrowska, C. A. Paterson, D. Jacobs, Э. Ф. Степанова, Н. Н. Старкова, Т. А. Панкрушева, С. В. Овсиенко, С. М. Мизеева, О. А. Ватанская илмий тадқиқотларини таъкидлаш лозим.

Ностероид яллиғланишга қарши препаратларни яратиш, стандартлаш, фармакологик фаоллигини белгилаш бўйича У. М. Азизов, Г. У. Тиллаева, Ё. С. Кариева, А. А. Тўлаганов, Н. П. Абдувоситова ва Х. Г. Ғаниеваларнинг илмий тадқиқот ишлари аҳамиятга лойиқ.

Мазкур диссертация тадқиқоти фенилглиоксил кислота хосилаларининг комбинирланган таъсирли дори воситаларининг юмшоқ шакллари сифатини назорат қилиш ва стандартлаштиришни ишлаб чиқишда методологик ёндошувни яратиш, қўлланилган таҳлил усулларини валидациялаш бўйича биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Фармацевтик ва токсикологик таҳлил усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юмшоқ дори шаклларидаги (геллар, шамчалар) фенилглиоксил кислотаси хосилаларининг (фенсулгал, бензкетозон) мажмуавий таъсирга эга дори воситаларининг сифат назорати ва стандартлашни илмий ва методологик ёндошишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адабиёт маълумотлари ва шахсий тадқиқотлардан фойдаланиб субстанцияларнинг молекуляр ва кристаллик структураси, ҳамда физик-кимёвий, технологик хусусиятларини аниқлаш;

тиббиёт ва фармацевтика амалиётига янги фаол биологик таъсирга эга бўлган молекулаларни очиш ва олиш имкониятидан фойдаланиш мақсадида фенсулгал ва бензкетозон субстанцияларининг кўрсаткичларини аниқлаш учун рентгеноструктур ва спектроскопик (^1H и ^{13}C) таҳлил усулларини қўллаш;

микросталларни олиш ва уларнинг молекуляр ва кристаллик тузилишини аниқлаш;

замонавий ва кенг қўлланиладиган физик-кимёвий усулларни қўллаш ёрдамида фенсулгал ва бензкетозон субстанцияларининг фармакопоявий таҳлили усулларини такомиллаштириш, модернизациялаш ва унификациялаш;

илк бор олинган, мажмуавий таъсирга эга бўлган бир ва кўп компонентли дори шакллари миқдорини аниқлашнинг ишлаб чиқилган усулларини синовдан ўтказиш ва унификациялаш;

ишлаб чиқилган дори воситаларни маҳаллий фармацевтик корхоналарга жорий қилиш мақсадида, меъёрий ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқиш учун идентификация, миқдорий таҳлил, стандартлаш ва валидациялашнинг илмий-асосланган мезонларни белгилаш;

клиникагача бўлган фармакологик синовларни ўтказиш ва биофармацевтик нуқтаи назардан фенсулгал ва бензкетазоннинг ишлаб чиқилган дори воситаларини баҳолаш, биологик фаоллиги ва безарарлигини исботлаш;

фенсулгал ва бензкетозон субстанцияларига, шунингдек уларни сақловчи ва цетиризин билан комбинациясидаги гел шаклларига меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиб, қайд қилиш ва тиббиёт амалиётида ишлатишга рухсат олиш учун, ЎзР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК га тақдим қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фенилглиоксил кислота хосилалари бўлган фенсулгал ва бензкетазон субстанциялари, папаянинг ер устки қисмининг ферментатив экстрактлари, цетиризин гидрохлорид субстанцияси, чаканда мойи олинган.

Тадқиқотнинг предмети фенсулгал ва бензкетозон субстанцияларининг кимёвий структурасини аниқлаш, ушбу моддалар ҳамда улар асосидаги дори шакллари (геллар, шамчалар) «туташ» стандартлаш, сифат меъёрларини белгилаш, фармакологик фаоллигини исботлаш, тиббиёт амалиётига татбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда спектрал ва хроматографик усуллар (ВЭЖХ), рентгеноструктур таҳлил, ядро магнит резонанс ва протон магнит резонанс спектроскопик усуллари, фармакологик ва микробиологик

усуллардан фойдаланилган ҳамда таҳлил усуллариининг валидацияси ICH (International Council for Harmonisation) Topic Q 2 (RI) «Validation of Analytical Procedures Text and Methodology» тавсияларига мувофиқ ўтказилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйдагилардан иборат:

янги фаол биологик таъсирга эга бўлган молекулаларни яратиш мақсадида фенсулгал ва бензкетозон субстанцияларининг кўрсаткичларини аниқлаш учун рентгеноструктур ва спектроскопик (^1H и ^{13}C) таҳлил усуллари ишлаб чиқилган;

илк бор бензкетозонни олинган монокристаллининг молекуляр ва кристаллик структураси рентгеноструктур таҳлил усули ёрдамида экспериментал ва назарий аниқланган;

фенилглиоксил кислота хосилалари (фенсулгал ва бензкетозон) асосидаги дори препаратларини ҳамда уларнинг мўътадил дори шаклларини «туташ» стандартизация усуллариини қўллаш орқали сифатини назорат қилишнинг ягона методологик ва илмий асосланган ёндошуви ишлаб чиқилган;

шамча асосларининг мажмуавий таъсирли фаол моддаларга нисбатан дори шаклидаги индифференлиги исботланган;

фенсулгал ва бензкетозоннинг антигистамин препарати цетиризин билан гел дори шаклидаги комбинацияси мақсадга мувофиқлиги асосланган;

фенсулгалнинг цетиризин ҳамда чаканда мойи билан, шу билан бирга бензкетозоннинг папайя (ер устки қисми) билан шамча дори шаклларидаги комбинацияси мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйдагилардан иборат:

ишлаб чиқилган геллар ва шамчаларда фенсулгалнинг цетиризин билан мажмуасининг яллиғланиш ва микробларга қарши ҳамда антигистамин таъсир даражаси аниқланган;

фенсулгал 3% гели, «Фензин» гели ҳамда бензкетозон гелининг махсус фармакологик фаоллиги ва безарарлиги исботланган;

фенсулгал, «Фензин-об» ва бензпап шамчаларининг яроқлилик муддатлари ва сақланиш шароитлари белгиланган;

фенсулгал ва бензкетозон субстанцияларини ишлаб чиқариш технологияси асосида саноат регламенти тасдиқланган;

фенсулгал ва бензкетозон субстанциялари, фенсулгал 3% гели ва «Фензин» комбинирланган гел учун меъёрий ҳужжатлар тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда олинган натижалар экспериментал материалнинг етарли миқдорда бажарилганлиги, замонавий физик-кимёвий, фармакологик ва клиник усуллар асосида олиб борилганлиги билан тасдиқланган. Ўтказилган тадқиқотлар тажриба саноат ишлаб чиқариш жараёнида синовдан ўтган.

Тадқиқотнинг натижаларини илмий ва амалий ахамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти яллиғланишга қарши, антигистамин ва антимиқроб таъсири ҳамда иқтисодий самарадорлиги бўйича импорт қилинаётган дори воситалардан кам бўлмаган субстанция, гел ва

шамчаларнинг сифатини белгилаш учун ядро резонанс ҳамда протон резонанс спектроскопик таҳлил усуллари ёрдамида меъёрлар ишлаб чиқилганлиги, ушбу усуллар валидацияланганлиги ҳамда халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фенсулгал ва бензкетозон субстанциялари ҳамда улар асосидаги бир- ва кўп компонентли дори воситаларининг меъерий ҳужжатлари тасдиқланганлиги, улар тиббиёт амалиётига тавсия қилиниб, саноатда ишлаб чиқаришга татбиқ этилганлиги ва аҳоли эҳтиёжини қондириши билан изоҳланади. Ушбу субстанциялар ва препаратлар импорт ўрнини босувчи дори воситалар ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фенилглиоксил кислота хосилаларининг комбинирланган таъсирли дори воситаларининг сифатини назорат қилиш ва стандартлаштиришни ишлаб чиқишда методологик ёндошув бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Фенсулгал субстанцияси учун фармакопея мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланган (ФМ 42 Ўз–0185-2020) ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган (гувоҳнома, №DV/M.03587/10/20). Натижада, маҳаллий фенилглиоксил кислота хосиласи бўлган дори субстанциясини ишлаб чиқариш имконини берган;

Бензкетозон субстанцияси учун фармакопея мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланган (ФМ 42 Ўз–0850-2020) ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган (гувоҳнома, №DV/M.03588/10/20). Натижада, маҳаллий ностероид яллиғланишга қарши дори воситаларни яратиш учун субстанция ишлаб чиқариш имконини берган;

Фенсулгал сиртга қўллаш учун 3% гели учун корхона фармакопея мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланган (КФМ 42 Ўз–25290387-4563-2021) ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган (гувоҳнома, №DV/M.03820/06/21). Натижада, маҳаллий ностероид яллиғланишга қарши дори воситалар ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

«Фензин» сиртга қўллаш учун комбинирланган гели учун корхона фармакопея мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланган (КФМ 42 Ўз–25290387-4562-2021) ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган (гувоҳнома, №DV/M.03934/10/21). Натижада, ностероид яллиғланишга қарши ҳамда антиаллергик таъсирли юмшоқ дори шаклдаги препаратлар ассортиментини кенгайтириш имконини берган;

монокристалл кўринишидаги бензкетозон кислотаси моногидратининг кристаллографик маълумотлари Кембридж кристаллографик маълумотлар

Марказида депонирилган (депонент, № 2089586, 12.06.21 й.) ҳамда халқаро маълумотлар базасига киритилган ([http://www.ccdc.cam.ac.uk/solutions/cds-system / components/cds/](http://www.ccdc.cam.ac.uk/solutions/cds-system/components/cds/)). Натижада, янги биологик фаол аналогик таъсирга эга моддаларни синтез қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та илмий мақола, жумладан 5 таси республика ва 11 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етти боб, хулосалар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, ишнинг Ўзбекистон Республикаси фани ва технологияларни ривожланишининг муҳим йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалий фаолиятга жорий қилингани, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг структураси бўйича маълумотлар берилган.


Диссертациянинг «**Тиббиёт амалиётида ностероид яллиғланишга қарши ва фермент препаратларни ривожлантиришнинг аҳамияти ва истиқболлари**» деб номланган биринчи боби да 4 та кичик боблардан ташкил топган адабиётлар умумий кўриниши берилган, унда муаммонинг ҳозирги ҳолати ҳақида маълумотлар келтирилган. Янги дори воситаларининг сифат назорати ва стандартлаш масалаларига бағишланган адабиёт манбаларининг таҳлилини кенг манзараси берилган. Юмшоқ дори шакллари (ДШ) ва мажмуавий дори воситаларини (ДВ) стандартлашнинг асосий аспекти берилган. Бобда маҳаллий ва хорижий олимларнинг замонавий илмий тадқиқотларининг натижалари батафсил баён қилинган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасида дори шакллари ва дори воситалари гуруҳларининг талаб қилиниши тадқиқотлари натижалари**» деб номланган иккинчи бобида юмшоқ дори воситаларнинг, шунингдек яллиғланишга қарши, антигистамин ва фермент препаратлар гуруҳидан бўлган воситаларнинг структураланган контент-таҳлилининг натижалари келтирилган. Ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ва фармацевтика бозоридаги уларнинг улушига қараб бўлиш асосида, ДВ ва ДШ


структураланган контент-таҳлили ўтказилган. Контент-таҳлилни ўтказишда маълумотнинг асосий манба сифатида Ўзбекистон Республикасининг ДВ, тиббий буюм (ТБ) ва тиббий техника (ТТ) Давлат Реестри қўлланилган.

«Текширилаётган препаратларнинг тавсифи ва кимёвий тузилишини ўрганиш» деб номланган учинчи бобда кўрилаётган моддаларнинг кристаллик структурасини ўрганиш, квантокимёвий ҳисобнинг, шунингдек ^1H ва ^{13}C ЯМР спектроскопик усуллари ишлатиш билан фенсулгал ва бензкетозоннинг кимёвий структурасини ўрганишнинг натижалари келтирилган.

Кристаллик структурани аниқлаш учун маълумотлар Oxford Diffraction Xcalibur-RCCD (CuK α -нурланиш, $\lambda=1,54184$, ω -сканерлаш режими, графитли монокроматор 293К) дифрактометрида йиғилган. Структуранинг шифри SHELXS-97 ва SHELXL- 97 дастурлар пакетлари ёрдамида очилган ва рафинирланган. Водород атомлари ҳисобланган ҳолатга киритилган ва изотроп иссиқлик параметрлар билан чекланган. Молекуляр расмлар MERCURY дастурлар пакети ёрдамида туширилган (расм 1).



Расм 1. Асосий новодород атомларнинг белги билан кўрсатилган ассиметрик бирлигининг кўриниши (эллипсоидлар 50% эҳтимоллик даражасига эга)



Расм 2. БКЗ (d_{norm}) моногидратининг Хиршфельд юзаси. Фақат водород боғларида иштирок этувчи О ва N атомларининг белгилари кўрсатилган


Кристаллик маълумотлар Кембридж кристаллографик маълумотлари марказида депонирланган (12.06.2021 й.даги №2089586).

Хиршфельд юзалари ва улар билан боғлиқ бўлган бармоқлар изларининг икки ўлчовли графиклари, структурадаги турли молекулалараро ўзаро таъсирларнинг миқдорий баҳолаш учун ишлатилган. Расм 2 да титул бирикманинг Хиршфельд юзаси кўрсатилган.


Мувофиқ акцептор ва донорли атомлар Хиршфельд юзасида ёркин-кизил доғлар билан ифодаланган кучли молекулалараро водород боғларини намоиш қилади $\text{OH} \cdots \text{O}$, $\text{NH} \cdots \text{O}$ ва $\text{OH} \cdots \text{S}$ ($\text{O1} - \text{H1} \cdots \text{O1W}$, $\text{N3} - \text{H3B} \cdots \text{O2}$, $\text{O1W} - \text{H1WA} \cdots \text{S1}$ ва $\text{O1W} - \text{H1WB} \cdots \text{S1}$ учун). Бу хулоса молекуланинг ҳисобланган электростатик потенциали билан тасдиқланади.

Фенсулкал ва бензкетозоннинг кимёвий структурасини аниқлаш учун, ^1H и ^{13}C ЯМР спектроскопик усуллар ишлатилган.

^{13}C ЯМР спектрлар, 600 МГц ишчи частотасида ^1H учун D_2O эритмаларида JNM-ECZ600R (Jeol, Япония) спектрометрида қайд этилган. Ички стандарт сифатида ЯМР спектрларида DSS (0 м.д.) ишлатилган. ЯМР ^{13}C спектрларда ички стандарт сифатида TMS га нисбатан эритмага қўшилган (30,89 м.д.) ацетоннинг кимёвий силжиши ишлатилган. Фенсулкал ва бензкетозоннинг ^1H и ^{13}C ЯМР спектрларнинг интерпретацияси 3 ва 4 расмларда келтирилган.



Расм 3. Фенсулкалнинг ЯМР ^{13}C спектри



Расм 4. Бензкетозоннинг ЯМР ^{13}C спектри

«Субстанцияда фенсулгал ва бенкетозонни сифат ва миқдорий баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобда, субстанциядаги фенсулгал ва бенкетозонни сифат таҳлили учун стандартлаш натижалари ва тавсия қилинаётган ЮҚХ, УБ-спектрофотометрия, хроматоспектрофотометрия ва ЮССХ усуллари валидацияси берилган. Фенсулгал субстанцияси ва бенкетозон субстанциясидаги аралашмалар миқдорини ва чинлигини аниқлаш учун таклиф қилинаётган ЮҚХ усуллари, сезувчанлик, такрорланувчанлик ва спецификлик кўрсаткичлари бўйича валидация қилинган. Валидация натижаларининг кўрсатиши бўйича, тавсия этилган усулларнинг сезувчан, такрорланувчан ва селектив эканлиги аниқланган. Шунингдек УБ – спектрофотометрия ва хроматоспектрофотометрия усули билан фенсулгал ва бенкетозонни миқдорий таҳлил усулини ишлаб чиқиш ва валидацияси бўйича тадқиқотлар ҳам ўтказилган, фенсулгал учун усулнинг нисбий хатоси: УБ-спектрофотометрия усули – 0,9%, хромато-спектрофотометрия усули – 1,9%; бенкетозон учун эса: УБ-спектрофотометрия усули – 0,9% ва ЮССХ учун – 1,17% тенг бўлган. Олинган натижалар жадвал 1 да берилган.


Фенсулгалнинг сифат назорати учун ЮССХ усулини ишлаб чиқиш ва валидация қилиш. Фенсулгалнинг сифатини баҳолашда тавсия этилган усулларга қўшимча унификацияланган ВЭЖХ усули ишлаб чиқилган, у бир вақтда чинлиги, тозаллиги ва миқдорини аниқлаш таҳлилларни ўтказиш имкониятини беради.

Жадвал 1


УБ-спектрофотометрия усулида фенсулгал ва бенкетозоннинг миқдорий таҳлилининг натижалари

№	Фенсулгал миқдори, г	X%	Метрологик тавсифи
Фенсулгал			
1	0,0250	98,90	$X_{\text{ўрт}} = 99,0$ $f = 4$; $t(P; f) = 2,78$; $S^2 = 0,078$; $S = 0,837$; $\Delta X_{\text{ўрт}} = 0,99$; $\epsilon_{\text{ўрт}} = 0,9\%$
2	0,0249	98,95	
3	0,0249	98,95	
4	0,0250	99,10	
5	0,0251	99,10	
Бенкетозон			
№	Бенкетозон миқдори, г	X%	Метрологик тавсифи
1	0,1050	99,30	$X_{\text{ўрт}} = 99,21$ $f = 4$; $t(P; f) = 2,78$; $S^2 = 0,088$; $S = 0,842$; $\Delta X_{\text{ўрт}} = 0,97$; $\epsilon_{\text{ўрт}} = 1,17\%$
2	0,1049	99,25	
3	0,1049	99,25	
4	0,1050	99,15	
5	0,1051	99,10	

Хроматография Agilent Technologies (АҚШ) фирмасининг «ChemStation» дастури билан таъминланган, изократик насоси ва УБ-спектрофотометрик детекторли «Agilent 1200 series» маркали суюқлик хроматографида амалга оширилган. Ажратиш жараёни заррачалар ўлчами 5 мкм бўлган Zorbax Eclipse XDB C-18 сорбенти билан тўлдирилган 3,0x150 мм ўлчамли колонкада олиб борилган. Харакатчан фаза: 25:75 нисбатдаги газсизлантирилган ва филтрланган ментол ва сув аралашмаси. Детектирлаш 254 нм тўлқин узунлигида ўтказилган, инжектор сиртмоғининг хажми – 20 мкл, оқим тезлиги – 0,6 мл/дақ. Тадқиқотнинг натижалари 5 ва 6 расмлар ҳамда жадвал 2 да берилган.



Расм 5. Фенсулгал ишчи стандарт намунасининг хроматограммаси



Расм 6. Фенсулгалнинг текширилаётган намунаси хроматограммаси


Олиб борилган тадқиқот натижалари ишлаб чиқилган усулнинг юқори сезувчанлиги, селективлиги ва тўғрилигини кўрсатди.

Жадвал 2


Фенсулгалнинг ЮССХ усулида олиб борилган миқдорий таҳлил натижалари

№	Фенсулгал миқдори, г	X%	Метрологик тавсифи
1	0,0510	98,1	$X_{\text{ўрт}} = 99,08$ $f=4$; $t(P; f) = 2,78$; $S^2=0,42$; $S=0,64$; $\Delta X_{\text{ср}} = 0,8$; $\varepsilon_{\text{ўрт}} = 1,5\%$
2	0,0509	99,2	
3	0,0520	99,0	
4	0,0510	99,8	
5	0,0501	99,3	

Бензкетозоннинг сифат назорати учун ЮССХ усулини ишлаб чиқиш ва валидациялаш. Хроматография Agilent Technologies (АҚШ) фирмасининг «ChemStation» дастури билан таъминланган, изократик насоси ва УБ-спектрофотометрик детекторли «Agilent 1200 series» маркали суюқлик хроматографида амалга оширилган. Ажратиш жараёни заррачалар ўлчами 5 мкм бўлган Zorbax Eclipse XDB C-18 сорбенти билан тўлдирилган 3,0x150 мм ўлчамли колонкада олиб борилган. Харакатчан фаза: 25:75 нисбатдаги газсизлантирилган ва филтрланган ментол ва сув аралашмаси. Детектирлаш 254 нм тўлқин узунлигида ўтказилган, инжектор сиртмоғининг хажми – 20 мкл, оқим тезлиги – 0,6 мл/дақ. Тадқиқотнинг натижалари 7 ва 8 расмлар ҳамда жадвал 3 да берилган.



Расм 7. Бензкетозон ИСНнинг хроматограммаси



Расм 8. Бензкетозоннинг текширилаётган намунаси хроматограммаси

Валидация сифатни таъминлаш тизимининг ўта муҳим қисми эканлигини ҳисобга олиб, асосий мезонлар бўйича валидация ўтказилган: такрорланувчанлик, спецификлик (селективлик), аниқлик ва чизиқлилик.

Стандартлаш учун энг мўътадил усулни танлаш учун биз томонимиздан ишлаб чиқилган усулларнинг қиёсий таҳлили ўтказилди. Таклиф қилинган усуллар бўйича фенсулқал ва бензкетозонни аниқлаш натижаларини қиёслаш, дисперсион таҳлилни ишлатиш билан ўтказилди (жадвал 4). Жадвал 4 дан кўринишича, таҳлил усулларининг ўртача натижаларини нисбий хатоси аҳамиятсиз ҳисобланади ва ДФ XI талабларига жавоб беради.

Жадвал 3

**Бензкетозоннинг ЮССХ усулида олиб борилган миқдорий таҳлил
натижалари**

№	Бензкетозон миқдори, г	X%	Метрологик тавсифи
1	25,0	99,65	$\bar{X}=99,93 \%$; $f=4$; $t(P;f)=2,78$; $S^2 = 0,8886$; $S = 0,9427$; $\Delta X = 2,6206$; $\Delta \bar{X} = 1,1720$; $E = 2,62 \%$; $\bar{E} = 1,17 \%$
	25,0	98,83	
	25,1	100,03	
	25,3	101,42	
	25,2	99,74	

Жадвал 4

**Таклиф қилинган усуллар бўйича фенсулгални аниқлашнинг
натижаларини қиёслаш**

Дори моддаси	Таҳлил усулининг ўртача натижасини нисбий хатоси $\epsilon_{\text{ўрт}}$		
	УБ-спектрофотометрия	Хроматоспектрофотометрия	ЮССХ
Фенсулгал	0,9%	1,9%	1,5%
Бензкетозонни аниқлаш натижаларини қиёслаш			
Бензкетозон	УБ-спектрофотометрия	ЮССХ	
	0,9%	1,17%	

Сўнг ишлаб чиқилган усуллар ёрдамида фенсулгал ва бензкетозонни миқдорини аниқлашда олинган натижалар бўйича, бир омилли дисперсион таҳлил ўтказилди (жадвал 5).

Жадвал 5

Бир омилли дисперсион таҳлил натижалари

Фенсулгал					
	Квадратлар йиғиндиси	F	Ўртача квадрат	F _{хисоблан} S ² /S	F _{жадвал} (0,05;4;10)
Усуллар орасида	S _{СП} =0,468	5-1=4	S ² =0,3093	0,73	3,99
Усуллар ичида	S _{ОШ} =4,194	15-5=10	S =0,419		
Умумий йиғинди	S =4,386	15-1=14	-		
Бензкетозон					
	Квадратлар йиғиндиси	F	Ўртача квадрат	F _{хисоблан} S ² /S	F _{жадвал} (0,05;4;10)
Усуллар орасида	S _{СП} =0,466	5-1=4	S ² =0,3086	0,75	3,92
Усуллар ичида	S _{ОШ} =4,192	15-5=10	S =0,415		
Умумий йиғинди	S =4,658	15-1=14	-		

Ҳисобланган F қийматининг натижаларини қиёслаш, ишлаб чиқилган усулларни ўзаро солиштириш имконияти мавжуд эканлигини кўрсатади.

«Трансдермал ва юмшоқ дори шаклларидаги фенсулгал ва бензкетозон сифатининг спецификацияси» деб номланган бешинчи боб, 6 кичик боблардан иборат бўлиб, юмшоқ ДШ да фенсулгал ва бензкетозоннинг сифат ва миқдорий таҳлилининг мўътадил усулларини ишлаб чиқиш натижалари келтирилган.

Таклиф этилаётган дори шакллари стандартлаш учун: фенсулгал 3% гелда, шунингдек мажмуавий таъсирга эга бўлган «Фензин» гелида стандартизациянинг туташ усуллари ишлатилган.

ЮССХ усулини қўллаш билан фенсулгал гели ва унинг мажмуавий таъсирга эга бўлган «Фензин» гелида ёт аралашмаларни аниқлаш учун текширишлар ўтказилган, бу шунингдек сифат ва миқдорий баҳолашни ўтказиш имкониятини ҳам беради. Текширишлардан олинган натижалар бўйича бу препаратларга спецификациялар тузилган ва улар 6-7 жадвалларда берилган.

Жадвал 6

Фенсулгал сиртга қўллаш учун 3% гель «Well Med Pharm» ХКМЧЖ спецификацияси

Кўрсаткичлар	Меъёрлар	Усул
1	2	3
Таърифи	Қовушқоқ консистенцияли ўзига хос ҳидли тиниқ гел	Органолептик: ЎзР ДФ; Евр.Ф. VIII, 808-бет
Ҳақиқийлик -фенсулгал	УБ-СФ усулида стандарт намуналар билан текширилаётган модданинг ютилиши ва тутиб турилиш вақтини максимумларга мувофиқлиги бўйича идентификацияси	Ультрабинафша ва кўринадиган областлардаги абсорбцион спектрофотометрия: ЎзР ДФ, том I, 2.2.25, 49- бет; Евр.Ф. VIII, 2.2.25, 40-бет
Бир хиллилик	Бир хил бўлиши керак	ЎзР ДФ; Евр.Ф. VIII, 807- бет
Туба ичидагисининг массаси	20 г ли ўрам учун йўл қўйиладиган оғишлар ±4% ташкил қилади.	ЎзР ДФ; Евр.Ф. VIII, 807- бет
рН	5,0 дан 7,0 гача	рН ни потенциометрик аниқлаш: ЎзР ДФ, том I, 2.2.3, 28- бет; Евр.Ф. VIII, 2.2.3, 24- бет
Ёт аралашмалар -фенсулгал	Умумий миқдори – 1,0% дан кўп эмас	Юпқа қатламли хроматография: ЎзР ДФ, том I, 2.2.27, 52-бет; Евр.Ф. VIII, 2.2.27, 42-бет
Микробиологик тозалиги	1 г препаратда бўлишига йўл қўйилади: -аэроб бактерияларнинг умумий сони 10^2 дан кўп эмас; -замбуруғларнинг умумий	Микробиологик тозалikka синовлар: ЎзР ДФ, том I, 2.6.12; 2.6.13; 5.1.4, 245-256- бетлар; 769-771; Евр.Ф. VIII, 2.6.12; 2.6.13; 5.1.4, 185-

1	2	3
	сони 10 ¹ дан кўп эмас; -Pseudomonas aeruginosa, Staphylococcus aureus нинг бўлмаслиги	194; 559- бетлар
Микдорий таркиб -фенсулкал	белгиланган микдордан 90% дан кам бўлмаслиги керак	Суюқлик хроматографияси: ЎзР ДФ, том I, 2.2.29, 55- бет; Евр.Ф. VIII, 2.2.29, 45- бет
Яроқлилик муддати	2 йил	

Жадвал 7

«Фензин» сиртга қўллаш учун гель «Well Med Pharm» ХКМЧЖ спецификацияси

Кўрсаткичлар	Меъёрлар	Усул
1	2	3
Таърифи	Қовушқоқ консистенцияли ўзига хос ҳидли тиниқ гель	Органолептик: ЎзР ДФ: Евр.Ф. VIII. 808-бет
Ҳақиқийлик -фенсулкал	УБ-СФ усулида стандарт намуналар билан текшириладиган модданинг ютилиши ва тутиб турилиш вақтини максимумларга мувофиқлиги бўйича идентификацияси	Ультрабинафша ва кўринадиган соҳалардаги абсорбцион спектрофотометрия: ЎзР ДФ, том I, 2.2.25, 49- бет; Евр.Ф. VIII, 2.2.25, 40- бет
-цетиризин дигидрохлориди	Калий бромиди билан 4000 дан 400 см-1 гача дисда олинган инфрақизил спектр ютиш йўллари нинг ҳолати бўйича, цетиризин дигидрохлори-дининг стандарт намунаси спектрига мувофиқ келиши керак	Инфрақизил ҳудудида абсорбцион спектрофотометрия: ЎзР ДФ, том I, 2.2.24, 47- бет; Евр.Ф. VIII, 2.2.24, 38- бет
-хлоридлар	Синалаётган намуна хлоридларга характерли реакция бериши керак	Сифат реакцияси: ЎзР ДФ, том I, 2.1.3, 161- бет; Евр.Ф. VIII, 2.3.1, 120- бет
Бир хиллилик	Бир хил бўлиши керак	ЎзР ДФ; Евр.Ф. VIII, 807- бет
Туба ичидаги- сининг массаси	20 г ли ўрам учун йўл қўйиладиган оғишлар ±4% ташкил қилади.	ЎзР ДФ; Евр.Ф. VIII, 807- бет
рН	5,0 дан 7,0 гача	рН ни потенциометрик аниқлаш: ЎзР ДФ, том I, 2.2.3, 28- бет; Евр.Ф. VIII, 2.2.3, 24- бет
Ёт аралашмалар -фенсулкал	Умумий таркиб – 1,0% дан кўп эмас	Юпқа қатламли хроматография: ЎзР ДФ том I, 2.2.27, 52- бет; Евр.Ф. VIII, 2.2.27, 42- бет

1	2	3
-цетеризин дигидрохлориди	А, В, С, D, E ва F аралашмалар – 0,15% дан кўп эмас; Ҳар қандай бошқа аралашма – 0,10% дан кўп эмас; Аралашмалар йиғиндиси -0,3% дан кўп эмас	Суюқлик хроматографияси: ЎзР ДФ том I, 2.2.29, 55- бет; Евр.Ф. VIII, 2.2.29, 46- бет; USP 38 ≤621≥
Микробиологик тозалиги	1 г препаратда бўлишига йўл қўйилади: -аэроб бактерияларнинг умумий сони 10^2 дан кўп эмас; -замбуруғларнинг умумий сони 10^1 дан кўп эмас; -Pseudomonas aeruginosa, Staphylococcus aureus нинг Бўлмаслиги	<u>Микробиологик тозалikka синовлар:</u> ЎзР ДФ, том I, 2.6.12; 2.6.13; 5.1.4, 245-256- бетлар; 769-771; Евр.Ф. VIII, 2.6.12; 2.6.13; 5.1.4, 185-194; 559- бетлар
Микдорий таркиб -фенсулгал -цетиризин дигидрохлориди	Белгиланган микдорнинг 90% дан кам бўлмаслиги керак Белгиланган микдорнинг 90% дан кам бўлмаслиги керак	Суюқлик хроматографияси: ЎзР ДФ, том I, 2.2.29, 55- бет; Евр.Ф. VIII, 2.2.29, 45- бет
Сақлаш	Ёруғликдан химояланган жойда, 10°C дан 20°C гача ҳароратда	
Яроқлилик муддат	2 йил	

Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига асосан ДШ сифати белгиланган меъёрларга мослиги исботланган.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичи фенсулгал шамчалари ҳамда шартли «Фензин-об» ва «Фензин-об10» деб номланган унинг чаканда мойи ва цетиризин билан мажмуавий шакллари стандартлаш ва сифатини назорат қилиш учун усулларни ишлаб чиқишга қаратилди. Стандартлаш унификация қилинган ЮССХ усулида ўтказилганлигини таъкидлаш лозим. Тадқиқотларнинг натижалари 8 ва 9 жадвалларда келтирилган.

Жадвал 8

ЮССХ усулида фенсулгални микдорий таҳлили натижалари

№	«Фенсулгал» шамчаси микдори, г	X	Метрологик тавсифи
1	2,601	0,0985	$X_{\text{ўрт}} = 0,0983$; $f = 4$; $t(P; f) = 2,78$; $S^2 = 0,0000054$; $S = 0,001$; $\Delta X_{\text{ўрт}} = 0,0028$; $\epsilon_{\text{ўрт}} = 3,0\%$
2	2,598	0,0988	
3	2,600	0,0990	
4	2,593	0,0990	
5	2,599	0,1014	

**ЮССХ усулида шамчалардаги фенсулгал ва цетиризиннинг
микдорий таҳлили**

Дори шакли	Дори моддаси	ДМ сақланиш микдори, %
«Фензин-об» Шамчалари	фенсулгал цетиризин	98,86 98,69
«Фензин-об10» Шамчалари	фенсулгал цетиризин	98,95 98,81

Шунингдек фенсулгал шамчалари ва унинг мажмуавий дори шакллари табиий шароитларда совутгич камерада (+3-5°C) турғунлигини ўрганиш бўйича ҳам тадқиқотлар ўтказилган. Текширилаётган шамчаларни 24 ой сақланиши давомида сифат кўрсаткичларини ўзгартирмасликлари аниқланган.

Бензкетозон сиртга қўллаш учун 3% гелининг стандартизацияси ва сифат назорати. Стандартлаш Дори воситаларининг ҳавфсизлиги ҳақидаги Техник Регламентга (ЎзР ВМ 27.10.2016 й. №365 Қарорига илова) ва ЎзР ДФ талабларига мувофиқ ўтказилган. Олинган маълумотлар бўйича сифатнинг мажбурий кўрсаткичлари бўйича тасдиқланган меъёрлар бўйича спецификация тузилган. Сифат спецификацияси жадвал 10 да берилган.

**«Бензкетозон» сиртга қўллаш учун 3% гел учун
спецификация**

Кўрсаткичлар	Нормалар	Усул
1	2	3
Таърифи	Қовушқоқ консистенцияли тиниқ гелъ	Визуал, органолептик: ЎзР ДФ; Евр.Ф. VIII. 808 бет
Ҳақиқийлик -Бензкетазон	Текширилаётган эритманинг ишчи стандарт намунаси билан ютилиши максимумларга мувофиқлиги бўйича идентификацияси	УБ - спектрофотометрия: ЎзР ДФ, том I, 2.2.6, <u>30- бет</u>
Бир хиллилик	Бир хил бўлиши керак	ЎзР ДФ; Евр.Ф. VIII, 807- бет
Туба ичидагисининг массаси	20 г ли ўрам учун йўл қўйиладиган оғишлар ±4% ташкил қилади.	ЎзР ДФ; Евр.Ф. VIII, 807- бет

1	2	3
рН	5,0 дан 7,0 гача	<u>рН ни потенциометрик аниқлаш:</u> <u>ЎзР ДФ, том I, 2.2.3,</u> <u>28- бет; Евр.Ф. VIII,</u> <u>2.2.3, 24- бет</u>
Ёт аралашмалар -Бенкетозон	Умумий миқдори – 1,0% дан ошмаслиги керак	Юпқа қатламли хроматография: <u>ЎзР ДФ, том I, 2.2.27,</u> <u>52- бет; Евр.Ф. VIII,</u> <u>2.2.27, 42- бет</u>
Микробиологик тозалиги	1 г препаратда бўлишига йўл қўйилади: -аэроб бактерияларнинг умумий сони 10^2 дан кўп эмас; -замбуруғларнинг умумий сони 10^1 дан кўп эмас; -Pseudomonas aeruginosa, Staphylococcus aureus нинг бўлмаслиги	<u>Микробиологик тозалikka синовлар:</u> <u>ЎзР ДФ, том I, 2.6.12;</u> <u>2.6.13; 5.1.4, , 245-</u> <u>256; 769-771-бетлар;</u> <u>Евр.Ф. VIII, 2.6.12;</u> <u>2.6.13; 5.1.4, 185-194;</u> <u>559- бетлар</u>
Миқдорий таркиб -Бенкетозон	Белгиланган миқдорнинг 99,0 дан 110% гача бўлиши керак	ЮССХ
Сақлаш	Ёруғликдан химояланган жойда, 10°C дан 20°C гача ҳароратда	
Яроқлилик муддати	2 йил	

Мажмуавий таъсирга эга (бенкетозон + папайя) шамчаларда бенкетозоннинг сифат назорати. Ўз таркибида бенкетозон ва папайя экстрактини сақловчи мажмуавий таъсирга эга шамчаларнинг сифат назорати усуллари ишлаб чиқилган ва стандартланган. Ишлаб чиқилган бенкетозон шамчаларида таъсир қилувчи моддаларнинг миқдорини аниқлаш ишлари илгари ишлаб чиқилган ва валидация қилинган СФ усулида ўтказилди.

